

ТЎҚИМА ҲАДИСЛАРДАН ҲАДИСЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДА МУҲАДДИСЛАР ФАОЛИЯТИ

Худойназаров Фахриддин

Имом-Термизий халқаро илмий тадқиқот
маркази илмий ходими

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Пайгамбаримиз суннатларининг сақланишига хавф тугдирувчи ёлгон ҳадислар тарқалишига қарши муҳаддисларнинг кураши ҳақида сўз боради. Мақолада ҳадисларнинг саҳиҳлигини шубҳа остига олиши тарихи ва унинг ислом динининг дастлабки кунларидан қандай бошланганлиги ҳақида муҳокама қилинади. Мақолада уйдирма ҳадисларга қарши кураш Усмон давридан бошланиб, кейинги замонларгача давом этгани ҳақида далиллар келтирилади.

Калит сўзлар: “Мавзў ҳадис”, “санад”, “фитна”, “саҳобалар”, “Муҳаммад ибн Сийрин”, “Муснад”, “Сунан”, “Ровий”, “суннат”, “Муҳаддислар”.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МУХАДДИСОВ ПО СОХРАНЕНИЮ ХАДИСОВ ОТ ЛОЖНЫХ ХАДИСОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассказывается о борьбе мухаддисов против распространения ложных хадисов, угрожающих сохранению Сунны Пророка. В статье рассматривается история постановки под сомнение достоверности хадисов и то, как она началась в первые дни ислама. В статье приводятся доказательства того, что борьба с сфабрикованными хадисами началась еще в османский период и продолжалась до более поздних времен.

Ключевые слова: “ложный хадис”, “санад”, “фитна”, “сподвижники”, “Мухаммад ибн Сириин”, “Муснад”, “Сунан”, “рассказчик хадисов”, “Сунна”, “Мухаддисы”.

THE ACTIVITIES OF MUHADDITHS IN PRESERVING HADITHS FROM FALSE HADITHS

ABSTRACT

This article talks about the struggle of muhaddis against the spread of false hadiths that threaten the preservation of the Sunnah of the Prophet. The article

discusses the history of questioning the authenticity of hadiths and how it began in the early days of Islam. The article provides evidence that the fight against fabricated hadiths began in the Ottoman period and continued until later times.

Key words: "false hadith", "sanad", "fitna", "companions", "Muhammad ibn Siyrin", "Musnad", "Sunan", "narrator of hadith", "Sunnah", "Muhaddis".

КИРИШ

Ҳадис олимларининг ёлғон ҳадис тарқатувчиларга қарши кураши Ислом тарихининг муҳим қисмидир. Тўқилган ҳадисларнинг пайдо бўлиши Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларини сохталаштириш ва ўзгартириш хавфини туғдирди. Бунинг олдини олиш учун ислом уламолари ҳадис илмига эътиборни қаратиб, ҳадис ривояти, санадга асосландилар. Ҳадисни етказишда иштирок этган ровийлар ва ҳадис санадини суриштирар эдилар. Ҳадис олимларининг ёлғон ҳадис тарқатувчиларга қарши кураши уларнинг саҳиҳ ҳадисларни заифларидан ажратиш, ҳадисларни сақлаш йўлидаги фидокорона хизматларидан далолатдир. Ушбу мақолада биз муҳаддисларнинг ёлғон ҳадис тарқатувчиларга қарши кураши ва улар ҳадис илмига қандай асос солгани ҳақида чуқурроқ тўхталиб ўтамыз.

Асосий қисм

Тўқима ҳадисларнинг пайдо бўлишида бир қанча омиллар сабаб бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларини сохталаштириш ва ўзгартириш хавфи таҳдид соларди. Аҳли илмларнинг саҳиҳ ҳадисларни заифдан ажратиш олиш ва ҳадисларни сақлаш йўлида қилган фидокорона хизматлари сабаб ҳадисшунослик фани сақлаб қолинди. Уларнинг фидокорона хизматлари, ҳадислар санадига эътибор қаратишлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини талаб қилиб, илмий сафарларга чиқишлари, ҳадис бобида китоблар нашр қилишлари, ҳадис илмига асос солганини намоён этади.

Санад деб ҳадис матнини ривоят қилган ровийлар силсиласига айтилади. Ҳадис силсила шаклида, ривоят қилаётган кишидан бошлаб то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламгача ривоят қилинади. Барча уламолар орасида санад ва иснод бир маънода қўлланилади. Баъзилар санадни юқори қўйишган. «Гўё инки бир инсон тоққа чиққандек, санад ҳадисни айтувчисига етказди. Иснод эса матндан хабар беради. Лекин тоққа чиқмаган кишидек бўлади», дейишади.¹ Санадга эътибор бериш, Исломнинг аввалидан бошланди. Фитналар Усмон розияллоҳу анхуни халифалик замонларида бошланган бўлиб, Ислом

¹ «Лисонул араб» «санад» ибораси. Ибн Носируддин: «Тадрисул ҳадис» 71-бет. Саховий: «Фатхул муғис» 1:11-бет.

олами ни бирлигига рахна солаётган замонда, турли сиёсий оқимлар, ҳадисларни ўз фоидаларига сохталаштиришга уринган мутаассибларни пайдо бўлишига олиб келди. Ислом уламолари диққат-эътиборни ҳадисшунослик фанига йўналтириб, ҳадис ривоят қилинган асос, санадга қаратдилар. Ҳадисни нақл қилишда иштирок этган кишиларни сўраб суриштирар эдилар. Муҳаммад ибн Сийрийн (ваф.110/720) айтадилар: «Аввалги замонларда ҳадиснинг санади сўралмасди. Фитналар бошлангандан сўнг, уламолар «Ровийларингизни бизга маълум қилинглари. Ровий аҳли суннат бўлса ҳадиси олинади. Аҳли бидъат бўлса олинмайди», дедилар.² Ибн Сийрийн: «Усмон розияллоху анху замонларида юз берган фитналар, тўқима ҳадислар тарқалиши ва мусулмонлар ўртасида парокандаликни уйғонишига сабаб бўлди. Шу жиҳатдан уламолар ҳадис санадини сўрашга эътибор қаратдилар», дейди. Ибн Сийрийн: «Мунозарачиларни аҳли бидъат деб атадилар. У киши фитнадан мақсад Усмон розияллоху анху шаҳид бўлган ҳадисларни назарда тутган. Бу сўзимизга «Фитна замонида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари ўн минглаб эди. Шулардан фақат қирқ киши кўркмас, ботир эди», деган сўзлари далилдир.³ Шарқшунос Шакт⁴ фитнадан мақсад Усмон розияллоху анху замонидаги фитна эмас, балки Валид ибн Язид (126/744) замонидаги фитналар деб тахмин қилади. Ибн Сийрийн Табарийга ўхшаб фитна иборасидан фойдаланган. Табарий (126/ 744) йилдаги ҳадисларни «Бану Марвон ҳокимияти тартибсизликга учради ва фитналар тўфони ҳаяжонланди», деб тасвирлайди. Шактни бу сўзларидан ибн Сийрийнни гаплари тўқилган деб эътибор қилинади. Чунки ибн Сийрийн (110/729) йилда вафот топганлар.⁵ Ибн Сийрийнга нисбат бериб айтилган сўзларни рад қилиб бўлмаслигини ишонарли далиллар билан исботлаганман. Ҳадисшунослик фанини танқидчиларидан ҳеч ким унинг сўзини тўқима деб айтмаганини, ибн Сийрийн ўзлари ҳам тасдиқлайдилар. «Фитналар тўфони ҳаяжонланди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам саҳобалари ўн минг киши эди. Фақат юзтаси кўркмади», дейдилар.⁶ Бу ерда далиллар ҳадис санадини сўраш, фитратни аввалида Усмон розияллоху анху замонларида биринчи фитнадан кейин, бошланганини тасдиқлайди. Саид ибн Мусайяб айтадилар: «Биринчи фитна бошланганда, яъни Усмон розияллоху анху шаҳид бўлган замонда, Бадрий саҳобалардан ҳеч

² Муслим «Саҳих» 1:15-бет. Ибн Адий: «Комил» 1:39-боб. Ибн Ҳиббон: «Мажруҳийна минал муҳаддисийн» 2:27-28-боб. Ромаҳурмизий «Муҳаддис Фосил» 1:12-бет. Хатиб: «Кифоя» 122-бет.

³ Абдураззок: «Мусаннаф» 11:357-бет саҳих санад билан ривоят қилинган. Ибн Касир: «Бидоя ва ниҳоя» 7:253-бетда Имом Аҳмад ривояти билан Ибн Сийрийн сўзини таққослаган.

⁴ Жозеф Франс Шакт (1902 йил 15 март - 1969 йил 1 август) - Нью-Йоркдаги Колумбия Университетида араб ва ислом фанлари бўйича инглиз-немец профессор.

⁵ SChacht, The Origins of Muhammadan Jurisprudence, P.36-37-бетлар.

⁶ Заҳабий: «Ал-мунтақий мин минҳожил эътидол» 389-бет.

ким ҳаётда эмасди. Кейин иккинчи фитнада яъни Ҳарра воқеасида Ҳудайбия саҳобаларидан бирон киши ҳаётда эмасди. Кейин учинчи фитна бошланганда, халқда қувват қолмаган эди», дейди.⁷ Имом Аҳмад Иброҳим Наҳабий санади билан ривоят қилиб айтадиларки: «Ҳадисни санадини сўраш Исломинг аввалида бор эди. Али розияллоҳу анҳуға қарши ёлғон гапириш кўпайганди», дейди.⁸ Бу сўзлар бошқа ҳадислар тўлиқ санад билан ривоят қилинганини билдирмайди. Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тўғридан тўғри ҳадисни эшитган ё бошқа саҳоба эшитиб ривоят қилган бўлиши эҳтимолидан, ҳадисни санадига эътибор қаратмасдилар. Бу ҳақда Баро очиқ ойдин баён этдилар. «Бизлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сизларга ривоят қилган ҳадисларни, баъзисини ўзимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитиб ривоят қилганмиз, баъзисини саҳоба дўстларимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитиб бизга ривоят қилган. Бизлар ёлғон сўзлашни билмасдик».⁹ Улар ҳадисни ўзлари ривоят қилган ҳадисларга ва саҳоба воситасида ривоят қилинган ҳадисларга ажратмасдилар. Саҳобадан ҳадисни санади сўралмасди. Баро: «Бунинг сабаби, саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлғонни нисбат бермасликларида», деб изоҳлаяпти. Саҳобалар ҳадисни бошқа саҳобалардан эшитишарди. Гўё инки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзлари эшитганидек, қабул қилинарди. Баъзида саҳобаларга бўлган юксак ишонч билан бирга ҳадисни санади сўралар эди. Ҳадисни санадини сўраш аввалда, ёқимли ишлардан ҳисобланмаган. Балки саҳобаларнинг ғазабини келтириб, чиқарган. Анас ибн Моликдан «Шу ҳадисни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганмисиз?» деб, сўралса ғазабланиб «Бизлар ёлғон нима эканини билмасдик», дерди.¹⁰ Ҳадиснинг санадини сўраш тобеинлар замонида кўпайди. Ҳасан Басрийдан (ваф. 110/729) мурсал ҳадиснинг санадидан сўралди. Ҳасанга «Сиз бизга ҳадис ривоят қиляпсиз? «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар» деб айтаяпсиз? Сизга ҳадис ривоят қилганларни санадини бизга

⁷ Имом Бухорий таъликан чиқарганлар. («Фатҳул борий» 7:323-саҳифа. Абу Нуайм: «Мустаҳраж»да ривоят қилган. «Таълиқул таълиқ» 4:105-бет. Ат-табох: Қувват маъносиди.

⁸ «Шарҳи илал ат-Термизий» 82-83-бетлар(т. д. Қатар).

⁹ Ибн Адий: «Комил» 1:50-боб, Баронинг сўзи, Аъмашнинг санади Абу Исҳоқ Сабуъийдан у киши Бародан ривоят қилган. Сабуъий Ҳофиз ибн Ҳажарнинг таъбирича мудалласларнинг учинчи табақасидан. Аъмаш ҳам мудалласлардандир. Бу ҳадисни қувватловчи, Анас ривоят қилган ҳадис бор. Ибн Адийни «Комил» 1:248-бетда. (т. субҳий албадрий.) Ҳадисни иснодида Аҳмад ибн Ал-ҳорис ибн Мискин бор. Таҳовий Аҳмадни отасидан ривоят қилиб айтган ҳадисини мункар ҳадислар сафига қўшган. Аммо Ҳайсамий эътибор бермаган. Ҳадиснинг ровийлари саҳиҳ деган. («Мажму-ал-заъид» 1:153- 154-бетлар.). Абу Наъим «Маърифатул рижол» да қ 93-боб Суфён Абу Исҳоқдан у киши Бародан қилган ривоятини келтирган. Лекин ҳадисни Абу Наъим келтирган санадда? Аҳмад ибн Қосим ибн ар-Район бор. Ибн Моқуло уни заифга чиқарган. («Мезонул эътидол» 1:128-бет. Имом Аҳмад «Муснад»ида 4:283-бетда, Муовия ибн Ҳишом исноди билан ҳадисни ривоят қилган. Муовия ростгўйлигига шубҳали ровийлардан. Ҳадисда Сабуъий анъанаси мавжуд.

¹⁰ Ибн Салоҳ: «Мукаддима» 38-бет. Ироқий: «Фатҳул муғис» 1:125-бет.

айтиб берингчи?» деб бир киши мурожаат қилди. Ҳасан «Бизлар қасам Аллоҳни номигаким, ҳеч кимга ёлғон сўзламадик, бошқалар ҳам бизга ёлғон сўзламади. Мен Хуросонгача бўлган ғазотларда қатнашдим. Биз билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уч юз саҳобалари бор эди», деди.¹¹ Ҳасан Басрий ҳадисларнинг санадини сўрамаганини сабаб қилиб, кўп саҳобалар билан учрашганини далил қилди. Саҳобалар тўғрилиқ ва тақво эгалари эдилар. Улар ёлғон гапиришдан йироқ эдилар. Уларнинг ривоятда эсламаслик, ҳадиснинг аҳамиятини пасайтирмасди. Яҳё ибн Саъд Қаттонни фикрича Омир Шаббий (103-117/722-735) тобеинлар сардори, биринчи бўлиб ҳадиснинг санади ҳақида суриштирди. Араб ибн Хусайм Омирга ҳадис ривоят қилди. Шаббий «Сенга бу ҳадисни ким ривоят қилди?» дедим. Хусайм «Амр ибн Маймун», деди. Амрдан «Сенга бу ҳадисни ким ривоят қилди?» деб сўрадим. Амр «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Абу Аюб» деди. Яҳё ибн Саъд «Бу ҳадис санадини суриштиришни аввали эди», дейдилар.¹² Ҳадиснинг санадини суриштириш тобеинларнинг улуғлари замонида топиларди. Муҳаддисдан ҳадисни санади сўралган вақтда, муҳаддис ҳадис санадини бирма бир айтиб берарди. Ҳадисни санадини суриштириш, тўқима ҳадисларни тўқиш ҳаракати, омма ичида тарқалгани сабаб саҳобалар, тобеинларнинг улуғлари замонида талабга айланди. Муҳаддисга унинг ривояти қабул бўлиши учун, ҳадиснинг санадини билиш зарурий ҳол бўлиб қолди. Ҳатто Зухрий кичик тобеинлардан (ваф. 124/742) ҳадис санадини келтирмасликни Аллоҳга журъат қилишга тенглаштиради. Утба ибн Абу Ҳаким ривоят қилади. У киши Исҳоқ ибн Абу Фарвани ёнида эдилар. Зухрий ҳам у ерда ҳозир эди. Ибн Абу Фарва: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки» деб сўз бошлади. Зухрий унга «Сенга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, эй ибн Фарва! Ҳадис санадини, ташлаб кетишга, сени нима Аллоҳга журъатли қилди? Бизларга аввали ва охири бўлмаган ҳадисни ривоят қиласан?» деди.¹³ Лекин Зухрий гоҳида Абдуллоҳ ибн Умар ва ўзини воситасини ҳадис санадида қолдирарди. Ундан сўралганда, «У киши ишонарли ровийлардан», дерди. Зухрий улғайиб улуғ имом бўлиб етишди. Бу хабарни ровийи Имом Молик ибн Анасдир.¹⁴ Зухрий ҳадис санадини сўраб, суриштирганини сабаби, Имом Молик «Зухрий биринчилардан бўлиб, ҳадис санадини суриштирган

¹¹ Ибн Адий: «Комил» 1:51-боб. Унинг санади заиф.

¹² Ромаҳурмузий «Муҳаддис Фосил» 1:12-бет. Рабиъ ибн Хусайм Убайдуллоҳ ибн Заъд халифалигида Кўфа шаҳрида вафот этди. (Ибн Саъд: «Ат-Табакот» 6:193-бет.) Убайдуллоҳ ибн Заъд халифалиги (60-66/680-686) йилда ўтган.

¹³ Ҳоким: «Маърифатул улумил ҳадис» 6-бет.

¹⁴ Хатиб: «Кифоя» 212-бет. Хатиб: «Кифоя» 212-бет

кишилардандир», деб марҳамат қилган.¹⁵ Шоядки Молик Шом мамлакатида деб назарда тутган. Валид ибн Муслим айтадиларки: Зухрий «Эй Аҳли Шом сизлар ривоят қилган ҳадисларнинг аввали ва охири йўқ? Дўстларимиз бугун ҳадис санадини маҳкам тутганлар», деди. Сўзнинг мароми Шом аҳлига ишора қилаётганидан, билинадики Ислом оламидаги бошқа илмий марказларда санадга эътибор бериш, кучли бўлган. Шом аҳли эътиборсиз бўлгани сабаб, Зухрий уларни огоҳлантирдилар. Бу воқеалардан сўнг Шомликлар ҳам ҳадисларни санади билан ривоят қиладиган бўлишди. Бу сўзлардан «Зухрийдан олдин ҳадис санадига эътибор берилмас эди», демоқчи эмасмиз. Ҳадис санадини сўраш саҳобалар ва улуғ тобеинлар замонида бор эди. Лекин Зухрийнинг замонида санадга эътибор бериш қатъий эди. Шу сабаб Шактни ибн Сийрийнни фитна сўзини Валид ибн Язид (ваф. 126/744) замонидаги фитна деб шарҳламоғи тахминдир халос. Далиллар Шактнинг тахминини чиппақга чиқаради. Робсон фитна сўзини шарҳлашда Шактнинг далилини ёқламайди. Фитнадан мурод ибн Зубайр замонидаги фитнага ишора қилади. Ўшанда ибн Зубайр (ваф. 72/692) ўзини халифа деб эълон қилганди. Робсон Имом Моликнинг ибн Зубайр ҳаракатини фитна деб атаганини далил келтиради.¹⁶ Унинг фикрича бу воқеа ибн Сийрийнни ёшига тўғри келади. «Ўшанда ибн Сийрийн (ваф. 33/654) бўлган воқеаларни эслаб қолиш қобилиятига эга эди», дейди. Робсон бу сўзи билан Ҳоровис назариясини қувватлайди. Ҳоровис «Ҳадис санадига эътибор, биринчи асрнинг охирида ҳадис илмига кириб келди», дейди.¹⁷ Робсонни фитна сўзининг шарҳи Шактни шарҳидан ақл эгалари олдида маъқул бўлиши билан бирга, Робсон санадга эътибор беришни Шактга нисбатан ярим аср олдин бошланганини таъкидлади. Лекин Робсонни далилини қатъий деб бўлмайди. Ибн Сийрийн ва Имом Моликнинг сўзларини бир-бирига мос келишини далил қилиб бўлмайди. Чунки фитна сўзи кенг маънони ўзига қамраб олади. Ислом оламида юз берган кўп ихтилоф ва урушларни фитна сўзи билан, ифодалашган Ибн Сийрийннинг ёшини ҳам далил қилиб бўлмайди. Ибн Сийрийн кўпчилик машғул бўлиб келаётган, ҳадис илми тарихини чуқур билгани сабаб замонасидан олдин ўтган воқеалар ҳақида сўзлаган. Аммо Ҳоровис назариясига Робсон суяниб далил келтириб, Кетанини фикрини ёқлайди. Кетани «Санад (ваф. 75/695) йилдан олдин мавжуд эмасди», дейди.¹⁸ Сезгин бу масалада иккала шарқшунос олимларга эргашиб, санадга

¹⁵ Ибн Абу Ҳатим: «Такдиматул маърифат» 20-бет.

¹⁶ Молик: «Муваддо» 99-бет.

¹⁷ Robson, The Isnad in Muslim Tradition, P. 21 - 22. Glasgow Univ. Or. Soc. Trans. 15 (1953 - 54), P. 15 - 26.

¹⁸ Schacht, The Origins of Muhammadan Jurisprudence » P37. Robson, The Isnad in Muslim Tradition, P. 18.

этибор бериш Зухрийдан бошланган деб қарор қилган.¹⁹ Робсон кейинроқ сўзидан қайтди. Робсон бошқа мавзуда Ҳоровисни²⁰ фикрини келтириб, «Санадга этибор бериш Зухрийдан олдин бошланган», дейди. Кетани²¹ ва Спренгерни²² «Урва ибн Зубайрни (ваф.93/712) санади ихтилофли, бу санадни кейинги муаллифлар ўйлаб топишган», деган фикрига Робсон қўшилмайди. Ҳоровис ўзини ҳимоялаб, «Урвани санади ихтилофли», дейди.²³ Бошқа мавзуда Ҳоровис «Санадга этибор, Зухрийнинг замонида одатий бўлиб, қатъий эмасди», дейди.²⁴ Зухрийнинг ҳадис санадига этибор бериши, унинг бу илмда машҳурлигидан, санадга этибор Зухрийдан ё инки унинг замонасидан бошланган деб қарор қилинади. Ҳар ҳолда ҳадис санадини ривоят қилиш Зухрийнинг замонасида оммада қатъий шiorга айланди. Ҳадис санадини қолдирган баъзи ровийлар ҳам ҳадисни санади билан ривоят қиладиган бўлишди. Қатода (ваф. 118/736) толиби илмларга енгиллик ва вақтни тежаш мақсадида, Басрада ҳадисларни санадсиз ривоят қиларди. Талабалар ҳадис санадини сўрашар, унга эътироз билдиришарди. Шўъба ибн Ҳажжож ҳадис санадини сўраб олишга улгурарди. Унинг мажлисида ҳозир бўлган ёшлар, Муаммар ибн Рошид ҳам ҳадис санадини сўраб оларди. Қариялар ҳадис санадини билгани, узоқ ўтириб қолганлари сабаб, эътироз билдиришарди. Санад ҳақида савол беришдан ман қилишарди.²⁵ Ҳадис қайта ривоят қилингандан сўнг, санади қолдириб кетиларди. Ёшлар санадни талаб қилишар, қариялар вақт зое бўлмоғи сабабидан, ман қилишарди. Қатода ҳадис санадини тўлиқ билардилар. Шўъба Қатодани бу ишда мохир эканини биларди. Ва у кишидан ҳадис ривоят қилган. Лекин Қатода санадсиз ривоят қилишдан тўхтамади. Кўфалик Ҳаммод ибн Абу Сулаймон Басра шаҳрига келиб, ҳадисларни санади билан ривоят қила бошлади. Ўша вақтдан кейин Қатода ҳадисни санади билан ривоят қиладиган бўлди.²⁶ Бу воқеадан Қатода ҳадис санадини билиши, вақтни тежаш мақсадида ҳадис санадини қолдириб ривоят

¹⁹ Фуад Сезгин, Бухаринин Кайнаклари, П. 20.

²⁰ Жозеф Ҳоровис яҳудий немис шарқшуноси, Берлин университетида таҳсил олган ва 1902 йилда у ерда доцент бўлиб ишлаган. 1907-1915 йилларда у Ҳиндистонда ва Шарқий-Англия коллежида ишлаган. (1874йил 26 июль Леборк, Полшада туғилган, 1931 йил 5 февраль, Франкфурт, Германияда вафот топган.)Маълумоти: Берлиндаги Гумбўлдт университети.

« The Earliest Biographies of the Prophet and Their Authors » (Пайғамбар таржимайи ҳоллари ва унинг муаллифлари)

²¹ Леоне Кетани (итальян. Леоне Кетани; 1869 йил 12 сентябрь, Рим - 1935 йил 24 декабрь, Ванкувер) - италиялик тарихчи, исломшунос ва сиёсатчи.

²² Алоис Спренгер (немис. Алоис Спренгер; 1813 йил 3 ноябрь, Нассертайт, Тирол - 1893 йил 19 декабрь, Гейделберг) - австриялик шарқшунос ва шифокор.

²³ Robson , The Isnad in Muslim Tradition , P . 19.

²⁴ Ҳоровис «Мағозий увло ва муаллифуҳа» (Пайғамбар таржимайи ҳоллари ва унинг муаллифлари) 23-бет.

²⁵ Ибн Жоруд: «Мунтақии» 181-183- бетлар. (Шўъба Қатодадан хар бир ҳадисни эшитганда: «Анасан эшитганмисан?» деб сўрарди.) Ибн Ҳажар: «Итҳофул маҳара» 1668-ҳадис.

²⁶Ибн Саъд: «Табакот» 230-231-бетлар Ибн Аби Ҳотам: «Тақдиматул маърифа» 166-бет.

қилгани билинади. Ҳадис санадига эътибор бериш Исломнинг иккинчи асри бошларида қизғин давом этарди. Муҳаддислар санадни лозим деб топишди. Ўша замонда санадни қанчалик аҳамиятга эга эканини, ҳадис танқидчилари ва уламолар сўзларидан билиб олсак бўлади. Муҳаммад ибн Сийрийн (ваф. 110/729) «Санад диндандир. Санад бўлмаса, ҳар ким ўзи билганини айтаверади». ²⁷ деганлар. Ибн Сийрийн «Санадни диндандир!» деганларида, санад ёшларга таълим бериш ва шаръий ҳукм олиш, асл бўлган ҳадисни турларга ажратиш, саҳиҳини сохтасидан ажратишда восита бўлишини эътиборга олган». Бу «Илм диндир. Динни кимдан олаётганингизга эътибор беринг», деган сўзида ҳам бу маъно мужассам. ²⁸ «Бизлар ва бошқалар орасида тўсиқ бор», деган сўзларида ҳам санадни эътибор қилганлар. ²⁹ Бу маъно, ибн Сийрийн замондошлари сўзларида ҳам яққол кўзга ташланади. Санадни аҳамияти ҳақида кўплаб гапирганлар ва ҳадис ривоят қилишда лозим деб топганлар. Аъмаш ҳадис ривоят қилиб, «Биздан «Фалонча Фалончадан менга ривоят қилди», деган бойлик қолди», деяр эди. ³⁰ Аъмаш ҳам, санадни ҳадисни муҳим қисми деб биларди. Чунки ҳадис матнини санадсиз қабул қилиб бўлмайди. Шу сабаб матндан олдин санад келтирилади. Санади келтирилган ҳадис қабул қилинади. Шўъба (ваф. 160/779) айтадилар: «Қайси ҳадисда «мен» ва «ривоят қилди» деган сўзлар бўлмаса, у ҳадис сирка ва кўкатга ўхшайди». ³¹ Яъни қоринни тўйдирмайдиган таомга ўхшаш. Шу маънода Шўъба яна ривоят қилади. «Қайси ҳадисда «бизга ривоят қилди» ва «бизга хабар берди», деган сўзлар бўлмаса, у ҳадис бир кишига ўхшайдики саҳрода туяси бору, арқони йўқдир. Бу киши туясини бошқара олмагандек, муҳаддис ҳам санадсиз ҳадисни забт этолмайди. ³² Санад ҳадисни билиш учун василадир». Суфён Саврий айтадиларки: «Санад муъминга қуролдир. Қурол бўлмаса нима билан курашади». ³³ Санадсиз ҳадис қайтарилган ҳадис деб эътибор қилинади. Баҳз ибн Асад айтадилар: «Бизга ривоят қилди деб, айтмаган ровийни ҳадисини олманглар». ³⁴ Илм эгалари ҳадиснинг санадини суриштирган замонда, бошқа касб эгалари ҳам санадга аҳамият бергани ажабланарли эмас. Бир аъробий Суфён Уяйнани олдида келиб, «Аёл киши ҳажда тавофдан олдин ҳайз кўрса,

²⁷Муслим: «Саҳиҳ» 1:15-бет. Ибн Ҳиббон: «Мажруҳийна минал муҳаддисийн» 1:9-бет. Ромҳарамзий: «Ал-муҳаддис ал-фосил» 1:13-саҳифа. Хатиб: «Тарихул Бағдод» 6:166-бет. Хатиб бу сўзларни Абдуллоҳ ибн Муборакга нисбат берган. Абадон ровийга ойдинлик киритган. У зиндиқларни сохта ҳадис тўқишларини эслаиб ўтган.

²⁸Муслим: «Саҳиҳ» 1:14-бет.

²⁹Муслим: «Саҳиҳ» 1:15-бет.

³⁰Ибн Ҳиббон: «Мажруҳийна минал муҳаддисийн» (Мажрўҳ муҳаддислар) 1:9-боб.

³¹ Хатиб: «Кифоя» 283-бет.

³² Ибн Ҳиббон: «Мажруҳийна минал муҳаддисийн» (Мажрўҳ муҳаддислар) 1:9-боб.

³³ Ибн Ҳиббон: «Мажруҳийна минал муҳаддисийн» (Мажрўҳ муҳаддислар) 1:9-боб.

³⁴ Ибн Ҳиббон: «Мажруҳийна минал муҳаддисийн» (Мажрўҳ муҳаддислар) 1:9-боб.

қайси амалларни бажаради», деб сўради. Уяйна жавоб бердилар «Ҳожилар бажарадиган барча амалларни бажаради. Фақат тавоф қилмайди». Аъробий «Суннатдан далил борми?» деди. Уяйна: «Оиша онамиз тавофдан олдин ҳайз кўриб қолдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳожилар бажарадиган барча амалларни бажаринг. Фақат тавоф қилманг», деб буюрдилар». Аъробий: «Ҳадисни етказганлар борми?». Уяйна: «Ҳадисни Абдурахмон ибн Қосим отасидан, у киши Оиша онамиздан ривоят қилган», деди. Аъробий: «Ҳадисни юксакга кўтардинг! Санадини жойига етказдинг! Аллоҳ сени ҳидоят қилсин!» деди.³⁵ Аъробий ҳадисни матни билан кифояланмай, ровийлар силсиласи ҳақида сўради. Ибн Уяйна саволдан ранжимадилар. Балким жавоб қайтардилар. Ҳадис санадига эътибор бериш, қанча аҳамиятли эканига яна бир гувоҳ, Халифа Маъмун Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ансорийга эллик минг дирҳам бериб, Басра олимларига бўлиб беришини амр қилди. Ҳилол ибн Муслим ўзининг дўстларини ва Ансорий ҳам ўз дўстларини молга эгалик қилишга таклиф этдилар. Ўртада молга ким эгалик қилишига ихтилоф чикди. Ансорий Ҳилолдан «Ат-таҳиёт дуоси қандай ўқилади?» деди. Ҳилол Ибн Масъуд ривоят қилган ат-таҳиёт дуосини ўқиб берди. Ансорий унга «Сенга ҳадисни ким ривоят қилган? Сенга бу ҳадис қаердан келиб қолди?» деди. Ҳилол сукут қилди. Ва жавоб беролмади. Ансорий «Ҳар куни беш вақт намозда ўқийсан? Бу дуони доим қайтарасан? Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳадисни ким ривоят қилганини билмайсан? Аллоҳ сени фикҳ илмидан узоқлаштирибди», деди. Ва дирҳамларни дўстларига бўлиб берди.³⁶ Ҳадис санадини ривоят қилиш инсонни хотиржамлигига сабаб бўлади. Баҳз ибн Асад ибораси билан айтганда, у кишига саҳиҳ санад билан ҳадис ривоят қилинса, «Бу адолатли кишиларни бир бирларидан рози бўлиб берган гувоҳлигидир».³⁷ деб қувонарди. Ровий санадни келтираётган вақтда, муборак ҳадисни ривоят қилишда шериклик масъулиятини ҳис этади. Чунки ёлғиз ўзи ривоят омонатига жавобгар эмас, балки устози ва устозини устозлари, кейин тобеинлар кейин саҳобаи киромлар биргаликда бу масъулиятга шерикдирлар. Унинг ривояти ишончли устозлардан эшитгани сабаб, ишонарли ривоятга айланади. Эшитувчилар ҳам ҳадисни қабул қилиш ва амал қилишда хотиржам бўладилар. Улар бир бирларига ишонадиган ровийлар силсиласини кўрадилар. Барчалари гувоҳлик берадиларки, ўзларидан олдин ўтганлардан ҳадисни эшитганлар. Ҳатто санад саҳобаи киромдан сўнг

³⁵Хатиб: «Кифоя» 403-404-бетлар.

³⁶Ромахурмузий: «Муҳаддис фосил» 1:12-13-бетлар. Хатиб: «Тарихи Бағдод» 5:409-бет. Заҳабий: «Сиярул аъломи нубало» 9:536-бет. Заҳабий: «Ҳадис санадида ровий Манқарий заиф ровийдир», деган.

³⁷ Ибн Адий: «Комил» 1:48-боб.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламгача етиб боради.³⁸ Баъзи аҳли ҳадис ё уларнинг дўстлари санадни эслаб, хурсандликларини шеър билан ифодалайдилар.

Ҳаёт мазмунли бўлур, агар Авф ва Бишр

Шаъбий ва Ҳасандан ривоят қилди десанг!³⁹

Ҳотим Суфён ибн Уяйнани таърифлаб, шеър ёздилар.

Зухрийга Умарни санада келтирар,

Амрдан сўнг Зухрийга Сафвонни

Абада ва Убайдуллоҳни уларга қўшар

Ибн Сабиъий ва ҳам Ибн Жадъонни

У зотлар ва Расулуллоҳдан бизга,

Келтирар илм, ҳукм, таъвилу, тибённи.⁴⁰

Асмаъий ҳам Суфён ибн Уяйнага атаб марсия ёзганлар.

Зухрийга ҳадис санадин сўзлаган,

Амр ибн Динордан кўплаб ҳадислар,

У зотдан сўнг шаҳар ва қишлоқларда

Қолмади, «Зухрий ривоят қилди», деганлар.⁴¹

Ҳадис санадига эътибор ва аҳамият кўрсатиш натижаси ўлароқ ҳижрий иккинчи асрнинг биринчи яримида, ҳадисшунослик фанига оид китоблар чоп этила бошлади. Китоблар «Муснад»лар деб аталди. Бу ном ҳадис санадига боғлиқлиги очиқ ва ойдиндир. Бизларгача,

1. Муаммар ибн Рошид «Жомеъи» (ваф. 152/769).

2. Таёласий «Муснад»и (ваф. 204/820) китоблари етиб келди. Муснад китоблари ҳижратнинг учинчи асрида дунё юзини кўрган ва саҳиҳи ситта (олтита ишонарли ҳадис китоблари) номи билан машҳур китобларга асос қўйиб берди. Саҳиҳ ситтада, ҳадис санадига ҳижрий иккинчи асрда салафларимиз диққатларини қаратгандек, муҳим эътибор берилган.⁴² Санад сўзи қачон қўлланилган деган саволга, замонни аниқ белгиламасак, бу савол аҳамиятини йуқотади.

Чунки турли замонларда қўлланилган деб айтилаётган санад сўзи саҳоба ва тобеинлар ҳофизларига анча олдин маълум бўлган. Лекин ҳадис ривоят қилинганда санадини аввалида келтиришмаган. Сохта ҳадислар саҳиҳ ҳадисларга келиб қўшилгани, ҳадисни саҳиҳлигини текшириш лозимлиги сабаб, ҳадисларни санадини кўрсатиш, саҳоба ва тобеинларга заруриятга

³⁸ Носируддин Асад: «Масодирул шеърил жоҳилия» (Жоҳилият шеърларининг манбаи) 258-259-бетлар.

³⁹ Ромаҳурмузий: «Мухаддис фосил» 2:18-боб.

⁴⁰ Ромаҳурмузий: «Мухаддис фосил» 2:118-бет.

⁴¹ Ромаҳурмузий: «Мухаддис фосил» 2:18-боб.

⁴² Сызгин, Бухаринин Кайниклари, II. 48.

айланди. Шакт ва Кетанини «Ҳадис санадини иккинчи асрни охири, эҳтимол учинчи асрда муҳаддислар ўйлаб чиқарган», деган назарияси хатодир.⁴³ Шакт «Санади муттасил ҳадисларни кейинроқ турли мазҳаб эгалари, саҳобаларни фикри билан ўзларини фикри бир хил бўлиши учун, ўйлаб чиқишган.⁴⁴ Санадни тузатиш, ҳадисларни китоб қилиб ҳозирлаш вақтигача давом этди. Китоб қилиб жамлаш вақтида санадлар комил ҳолатига келди», дейди. Шакт «Мурсал ва мунқотей ҳадисларни имом Моликнинг «Муввато»си ва имом Шофиъийнинг «Рисола»сида топилгани, кейинроқ саҳиҳи ситтада имом Моликдан муттасил ривоят қилингани»ни далил келтиради. Шактнинг фикрича, «Ҳадис санадини юқори буғуни (тобеин ва саҳобалар номлари) кейинчалик мазҳаб эгалари томонидан ўйлаб топилган».⁴⁵ Имом Моликнинг мурсал ҳадисни далилга қабул қилишлари, у зотни «Муввато»даги ҳадисни муттасил ҳадисга етказишга қизиқмаганига далолат беришини, Шакт эътиборга олмаган. Шу сабаб Имом Моликнинг йўллари ўз асрида бутун оммага тарқалди.⁴⁶ Агар ҳижратнинг иккинчи асрида нашр этилган, «Муснад» китоблардаги санади муттасил ҳадисларга назар соладиган бўлсангиз, баъзилари, масалан Муаммар ибн Рошид «Муснад»и, имом Моликнинг «Муввато»сидан анча олдин тасниф этилган. Ҳадисни бир марта мурсал⁴⁷ ва бошқасида муттасил (узликсиз санадда) ривоят қилиниши, уни тўқималигига⁴⁸ ва санадини мукамал қилишга далолат қилмайди. Олим киши бир ҳадисни муттасил санад билан ёки бошқа вақт шу ҳадисни қисқа қилиб ё эсдан чиқариб, мурсал ё мунқотей⁴⁹ санад билан ривоят қилади. Гоҳида ҳадис санадида бир кишини ортиқ ривоят қилиш, бировни исмини бошқаси билан алмаштириш каби хато учраб туради. Олим кишини ривояти буларни сирасига кирмайди. Тўқима ҳадислар юқорида баён қилганимдек, «Мусталаҳул ҳадис» китоблари ёрдамида аниқланади.⁵⁰ Муттасил санадли ҳадислар кейин ўйлаб топилди деб айтиш, мазҳаб уламолари ҳақиқа катта тухматдир. Имом Шофеъий Саид ибн Мусайяб мурсал ҳадисларига, имом Абу Ҳанифа ўз устозларининг мурсал ҳадисларига суяндилар. Лекин бу ҳадисларни муттасил ҳадис даражасига кўтармадилар. Улардан кейин келган

⁴³ Robson, *The Isnad in Muslim Tradition*, P, 18.

⁴⁴ Робсон «Санадни муттасил бўлмоғи, ҳижрий иккинчи асрнинг охириги ярмида, лозимлик даражасига кўтарилди», дейди. *The Encyclopedia of Islam Vol. 111*, P23. 1965.

⁴⁵ Schacht, *The Origins of Muhammadan Jurisprudence*, P. 163, 165, 166, 167, 169, 175.

⁴⁶ Имом Моликнинг мурсал ҳадисни далил деб қабул қилишларини, Ибн Касирнинг «Боисул ҳасис» китоби, 48-бетига қаранг.

⁴⁷ Мурсал ҳадис - санадининг охиридан тобеиндан кейин бирорта ровий тушиб қолган ҳадис.

⁴⁸ Мавзуй хабар - тўқилган ёлғон бўлиб, сунъий равишда келтирилган ва Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга нисбат берилган хабар.

⁴⁹ Мунқотей ҳадис - санади муттасил бўлмаган, яъни уланиб келмаган, кесилиши бор ҳадис.

⁵⁰ Хатиб: «Кифоя»409-бет. Ибн Касир: «Боисул ҳасис» 186-бет. Ибн Ҳиббон: «Мажрухийна минал муҳаддисийн» (Жароҳатли муҳаддислар) 2:25-боб.

эргашувчилар ҳам бу ишни қилмадилар. Мурсал ҳадислар мурсаллигича китобларида қолди.⁵¹

Турли дунёвий мақсадларни кўзлаб, ҳадисларга сохта санадлар ёзиш ва тўқиш билан, аввал айтганимдек ваззоълар⁵² шуғулланишди. Мазҳаб бошлиқларига тухмат қилиш мумкин эмас. Улар Аллоҳнинг шариати олдида ишончли зотлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини ёлғон киришдан, ҳимоя қиладилар. Бизларнинг ҳадисларни саҳиҳ ва заифга ажратишимиз, тўғриси ялғонидан ажратиб олишимиз, ровийларни сиққо (ишончли) ва заиф деб билишимиз ҳам шу улуғ инсонларнинг илмидандир. Тарихчи, изланувчи инсонлар бу улуғ мазҳаббошиларимизга тухмат тошини отишга ҳадлари етмайди.

Фуод Сезгин: «Санад Имом Бухорий «Саҳиҳ»ини таълиқот⁵³, луғат ва тарихий воқеалар билан тўлғазиб, нашр қилгандан кейин ўз мақомини йўқотди», дейди.⁵⁴ Лекин Имом Бухорийни санадсиз келтирган, таълиқотлари, унинг саҳиҳ китобига кирмайди. Имом Бухорий агарчи таълиқотлари санади, бошқа манбаларда саҳиҳ ривоят билан келган бўлса ҳам, таълиқотларга эътибор бермай келган. Имом Бухорийнинг муттасил санад билан ривоят қилган ҳадислар тўплами «Жоме-ул муснад-ис саҳиҳ» китобида жамланган. Китоб Имом Бухорийнинг услуби ва Имом Бухорийнинг машҳур шартлари асосида, ровийлар санади тўлиқлигича нашр этилган. «Санад Имом Бухорийдан кейин ўз мақомини йўқотди», деб бўлмайди. Имом Бухорийдан кейин нашр этилган саҳиҳи ситталар ҳадисларни муттасил санадига аҳамият берганлар. Муҳаддисларнинг ҳадис санадига аҳамият беришлари, тарих ва адаб аҳлларига ҳам таъсирини кўрсатди. Улар тарихий ривоятлар ва одоблардаги ҳадис санадига эътиборни кучайтирдилар. Санадга эътибор бериш сийрат китобларида жумладан, ибн Исҳоқнинг «Сийрат», Воқидийнинг «Мағозий», ибн Саъднинг «Табақот» китобларида, тарих китоблари жумладан, Халифа Хайётнинг «Тарих» Табарийнинг, «Тарихул умами вал мулук» китобларида, одоб китоблари жумладан, Абу Фараж Исбаҳонийнинг «Ағоний» китобида кўзга ташланади. Лекин тарих ва одоб китобларида ҳадис санади, ҳадис китобида ўрганилгандек, диққат билан ўрганилмаган. Зеро ҳадис китобининг ўзига хос аҳамияти бор. Ҳадис китобидан инсон манфаатига фойдали шариат

⁵¹ Робсон «Шаркшунос олимлар саҳобаларни катталари кичик саҳобалардан кўра, кам ҳадис ривоят қилганига кизиқиб қолдилар. Шунда мен шаркшунос олимлар тасаввур қилгандан ҳам зиёдроқ даражада, муҳаддислар ривоят қилган ҳадислар тўғрилигига амин бўлдим. Чунки муҳаддислар ҳадисларни ўзгартирганларида, ҳадис санадларида катта саҳобалар сони кўп бўларди». дейди. Robson, The Isnad in Muslim Tradition, P, 26.

⁵² Сохта ҳадис тўқувчилар.

⁵³ Муаллақ ҳадис- санадининг аввалида битта ёки ундан кўп ровий кетма-кет тушириб қолдирилган ҳадис.

⁵⁴ Сезгин: «Тарихул туроси арабия» (Араб меросининг тарихи) 1:249-бет.

ҳукмлари олинади. Шу жиҳатдан ҳадис санадини диққат билан ўрганиш, муҳим амаллардан ҳисобланади. Ҳадисшунослик фани «Санад - ҳадисларни тадқиқ қилиш қоидаларини ўз ичига олган асосдир», деб таъкидлайди. Ҳадисни бизларга ривоят қилган, уни ўтганларимиздан мерос қилиб, олиб келган ровийларни диққат билан ўрганишимизни тақозо этади.⁵⁵ Уламолар ровийларни диққат билан танишга аҳамият беришган. Ровийнинг исми, куняси, лақаби, она-оналарининг насабига алоҳида эътибор қаратишган. Уларнинг устозлари, шогирдлари ва мамлакатларга сафарлари, уламолар билан учрашувларини қайд қилиб боришган. Ровийни заиф ё ишончли эканини билиш учун, уларнинг ахлоқ ва одобларини ўрганишган. Бу ишлар ровийга жарҳ ё таъдил иборасини ишлатишда лозим бўлган. Илмда ва уламолар орасида ровийнинг мақомини билиш учун, ровийнинг ривоятини намунаси ва ишончлигини текширишган. Бу мулоҳазалар «Ҳадис ровийларини билиш» номли фанга асос солди. Муаллифлар «Ҳадис ровийларини билиш» фанида ровийлари тартибланган ва қисмларга бўлинган китоблар нашр этдилар.

ХУЛОСА

Ҳадис олимларининг ёлғон ҳадис тарқатувчиларга қарши кураши ислом тарихида давом этган кураш бўлиб келган. Ёлғон ҳадисларнинг пайдо бўлиши пайғамбар суннатларининг сақланишига катта хавф туғдирди ва аҳли илмларнинг фидокорона хизмати туфайли саҳиҳ ва заиф ҳадислар ажратиб олинди. Уламоларнинг ҳадис санъатига эътибор қаратишлари, пайғамбаримиз ҳадисларини ўрганиш мақсадида илмий саёҳатлар қилишлари, ҳадис илмига оид китоблар нашр этилиши ҳадисшунослик илмига замин яратди.

Ҳадис матни ривоят қилинган санад ёки ровийлар занжирининг ўзгартириб бўлмайди. Уламолар эътиборини ҳадис илмига қаратиб, турли фитналарга жавобан ҳадис ривояти, санадига асосландилар. Шундай қилиб, улар ҳадисни етказишда иштирок этган кишилар ҳақида сўрашни бошладилар ва санад ҳадиснинг муҳим таркибий қисмига айланди.

Ёлғон ҳадисларга қарши кураш фақат ислом динининг илк даврлари билан чегараланиб қолмаган. Олимлар ҳадисларнинг саҳиҳлигига шубҳа қилишда давом этдилар ва бунда санаднинг аҳамияти асосий ўрин тутди. Ёлғон ҳадисларга қарши кураш давом этмоқда, ҳадис илми Пайғамбаримиз суннатларини сақлаб қолиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муҳаддисларнинг ёлғон ҳадис тарқатувчиларга қарши кураши ислом тарихида узоқ давом этган кураш бўлиб

⁵⁵Бу ердан «Ҳадиснинг матни текширилмас экан», деган фикр пайдо бўлмасин. Матнни текшириш қоидалари бор.. Дамийни: «Мақойису аҳли сунна» (Аҳли сунна қиёси).

келган. Ҳадис ровийси ва санадига эътибор қаратилиши муҳим амал саналгани сабаб, уламоларга саҳиҳ ва заиф ҳадисларни ажратиш ва Пайғамбар суннатларини сақлаш имконини берди. Бу кураш давом этмоқда ва уламолар зиммасига ҳадисларнинг саҳиҳлигига шубҳа қилишда давом этишлари ва саҳиҳ ҳадислар тарғибот қилинишига алоҳида урғу беришлари лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Адабул муфрад. – Миср, 1955.
2. Ибн Ҳиббон. Мажруҳийна минал муҳаддисийн. “Дорус самимий”, – Риёз, 2000.
3. Хатиб Бағдодий. Кифоя фи илмир ривоя. “Дорул кутубил илмия”, – Байрут, 1988.
4. Имом Шамсуддин Муҳаммад Саховий. Эълону бит-тавбих. “Дорус самимий”, – Риёз, 2017.
5. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ар-рафъу ват такмилу фи жарҳи ват таъдил. “Мактабатул матбуотил Исломия, – Ҳалаб, 1986.
6. Абу Абдуллоҳ Ҳоким. Маърифатул улумил ҳадис. “Дорул кутубил илмия”, – Байрут, 1977.
7. Жалолуддин Суютий. Тадрибур ровий. “Мактабатул кавсар”, – Миср, 2006.
8. Шамсиддин Заҳабий. Тазкиратул ҳуффо. “Дорул кутубил илмия”, – Лубнон, 1998.
9. Khudaynazarov, Fakhritdin Khaitovich. "The Formation Of The Narrators Of Hadith According To Their Homeland." *The American Journal of Social Science and Education Innovations* 3.03 (2021): 1-5.
10. Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисонул мизон. “Муасисатул аълабий лил матбуот”, – Байрут, 1971.
11. Акрам ибн Зиё Умарий. Бухусун фи тарихисуннатил мушараффати. – Мадина, 1994.